

ГЕНДЕРГА АСОСЛАНГАН ЗЎРАВОНЛИК ВА УНИНГ ОИЛА САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ

PhD, доцент **Хасанова Дилфуза
Абдухамидовна**

www.tipme.uz

21.11.2024



БТСЁМ шифокорлари учун


Муаммонинг долзарблиги

- ЖССТ томонидан чоп этилган баҳолашга кўра, дунёда тахминан ҳар бир учинчи аёл (30%) ўз ҳаёти давомида яқин шериги (интим шериги) ёки бошқа шахс томонидан гендер зўравонлик ёки жисмоний ва/ёки жинсий зўравонликка дучор бўлади.
- Дунё бўйлаб, аёллар қотиллигининг 38%гача улуши уларнинг яқин шериги томонидан содир этилади.
- 6% аёллар шериги бўлмаган шахслар томонидан жинсий ҳужумга дучор бўлганлиги ҳақида хабар беради.



Насилие в отношении женщин. 9 марта 2021 г. ВОЗ

COVID-19 пандемияси шароитида




- Ўз-ўзини изоляция қилиш ва карантин шароитида аёлларга шериклари томонидан гендер зўравонлик содир этиш ҳолатлари бир мунча ошди, хизматлар эса уларга камроқ кўрсатилди.
- Бунга стресс, ижтимоий изоляция, ҳимоя механизмларининг мавжуд эмаслиги ва хизматларнинг чекланганлиги, локдаун сабаб бўлди.
- Эркакларнинг уйда қолиши, аёлларга, шунингдек, фарзандларига нисбатан зўравонлик эҳтимоли ва низоли вазиятлар ортди.
- Оила аъзолари бир-бири билан яқин алоқада кўпроқ вақт ўтказишга мажбур бўлган, молиявий йўқотишлар ва иш жойидан айрилишлар оғушида қўшимча стрессни бошдан кечираётган оилаларда зўравонлик эҳтимоли юқоридир.

Johnson, Kirsty. [Covid 19 coronavirus: Domestic violence is the second, silent epidemic amid lockdown](#) (англ.), *NZ Herald* (12 April 2020)

COVID-19 пандемияси шароитида (2)

- Аёллар кўпинча уларга ёрдам бериши ва уларни шафқатсиз муносабатдан ҳимоя қилиши мумкин бўлган қариндошлари ва дўстлари билан камроқ алоқада бўлишади.
- Ҳозирги эпидемия даврида аёлларнинг зиммасига қўшимча уй-рўзғор юмушлари юкланади.
- Мактабларнинг ёпилиши ушбу юкламани оширади ва қўшимча стрессни яратади.



Impact of the COVID-19 Pandemic on Family Planning and Ending Gender-based Violence, Female Genital Mutilation and Child Marriage (англ.). www.unfpa.org.

Гендер зўравонлики саломатлик учун оқибатлари



- Яқин шерик томонидан зўравонлик (жисмоний, жинсий ва руҳий) ва гендер зўравонлик аёлларда жиддий **қисқа муддатли** ва **узоқ муддатли** жисмоний, руҳий, жинсий, ва репродуктив саломатлик муаммоларини келтириб чиқаради.
- Зўравонликнинг бу шакллари уларнинг фарзандларига ҳам таъсир қилиб, аёллар, уларнинг оилалари ва жамият учун муҳим ижтимоий ва иқтисодий харажатларни келтириб чиқаради.



Гендер зўравонлиқни саломатлик учун оқибатлари (2)

Гендер зўравонлик қуйидаги оқибатларга олиб келиши мумкин:

- қотиллик ва ўз жонига қасд қилиш оқибатида ўлимга
- турли оғирлик даражасидаги жароҳатларга: аёлларнинг 42% яқин шериги томонидан содир этилган зўравонлик оқибатида олган жароҳати ҳақида хабар беради.



Гендер зўравонлиқнинг репродуктив саломатлик учун оқибатлари (2)

- исталмаган ҳомиладорлик,
- сунъий аборт,
- гинекологик муаммолар,
- ОИВни ўз ичига олган жинсий йўл орқали юқувчи инфекциялар
- 2013-йилда ўтказилган таҳлилий тадқиқот натижаларига кўра, жисмоний ёки жинсий зўравонлиқни бошдан кечирган аёллар жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар (ва айрим ҳудудларда ОИВ) тарқалиши яқин шеригидан жисмоний зўравонлиқни бошдан кечирмаган бошқа аёлларга нисбатан 1,5 баробар кўпдир. Бу аёллар абортни ҳам икки баробар кўпроқ қилишади.



Гендер зўравонлиқни репродуктив саломатлик учун оқибатлари (2)

Ҳомиладорлик даврида яқин шерик томонидан содир этилган зўравонлик қон кетиш хавфини ҳам оширади

- ҳомила тушиш хавфи ёки ўз-ўзидан ҳомилани тушиб қолиши,
- нормал жойлашган йўлдошнинг эрта ажралиши,
- чақалоқнинг ўлик туғилиши,
- чақалоқни эрта туғилиши ва чақалоқни кам тана вазни билан туғилиши,
- ҳомиладорликни патологик кечиши (преэклампсия, эклампсия).

Мазкур 2013 йилда ўтказилган тадқиқотга кўра, яқин шериги томонидан зўравонликка дучор бўлган аёлларда ҳомилани тушиб қолиш эҳтимоли 16% ва вақтидан эрта туғишлар 41% га кўпроқ бўлишини кўрсатди.



Узоқ муддатда пайдо бўладиган асоратлар

Жинсий зўравонлик, айниқса, болалик пайтида бошдан ўтказилгани, кейинчалик ҳаётда:

- чекиш,
- гиёҳвандлик моддаларни ва
- спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш,
- ва хавфли жинсий хатти-ҳаракатлар эҳтимолини ошириши мумкин.

Бундан ташқари келажакда, ўғил бола зўравон ва қиз бола эса жабрланувчи моделини келгуси оилавий ҳаётида ўзига қўллайди.



Violence against women Prevalence Estimates, 2018. Global, regional and national prevalence estimates for intimate partner violence against women and global and regional prevalence estimates for non-partner sexual violence against women. WHO: Geneva, 2021

Аёлнинг психосоматик ҳолатига таъсири

Зўравонликнинг бу шакллари

- руҳий тушкунлик, тез чарчаш, қўрқув, шубҳаланиш, эмоционал ва жисмоний ётсираш
- пост-травматик стресс бузилиши ва бошқа безовталиқ касалликлар,
- уйқу муаммолари (ёмон уйқу, уйқусизлик),
- овқатланишга алоқадор касалликлари (булимия, анорексия),
- суиқасд ва ўз жонига қасд қилишга уринишларни келтириб чиқариши мумкин.
- 2013 йилда ўтказилган таҳлилий ўрганиш яқин шерик томонидан зўравонликка дучор бўлган аёлларда бошқа аёлларга нисбатан руҳий тушкунлик ва алкоголь билан боғлиқ муаммоларни ривожланиш эҳтимоли деярли икки баробар кўп деб топилди.

Аёлнинг психосоматик ҳолатига таъсири (2)


Саломатликка бўлган бошқа таъсири

- сурункали бош оғриғини,
- бел оғриғини,
- қорин оғриғини,
- ошқозон-ичак касалликларини (таъсирланган ичак синдроми, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси, ярали колит, Крон касаллиги, ўт пуфаги дискинезияси),
- чекланган ҳаракатчанликни,
- лоқайдлик ҳолатини,
- ҳаёт сифатини камайишини, соғлиқни умумий ёмонлашувини ўз ичига олиши мумкин.



Олинган жароҳатлардан организмга етказилган зарарлар

- Кесилиш, юмшоқ тўқималарининг кўкаришлари, турли оғирлик даражасидаги куйишлар, ўз-ўзига ўт қўйвориш.
- Оёқ-қўл, қовурға, калла, умуртқа, юз суяклари, жағ суякларининг тишсинишлари.
- Бош суяк-мия жароҳатлари (миянинг чайқалиши, бош миянинг лат ейиши, бош мия бўштлиғига қон кетиши).
- Кўз, қулоқ жароҳатлари.
- Жигар, талоқнинг ёрилиши туфайли ички қон кетиши



Болаларга таъсири

- Зўравонлик содир бўладиган оилаларда ўсаётган болалар ҳаётда кейинчалик зўравонлик содир қилиш ёки зўравонликка мойилликни намойиш қиладиган бир қатор руҳий касалликларга дуч келиши мумкин.
- Зўравонлик, шунингдек, эмизикли ёшдаги чақалоқ ва эрта ёшдаги болалар ўлими ва касалланиши билан боғлиқ (масалан, диарея касалликлари ва тўйиб овқатланмаслик туфайли).
- Кўпинча уйдаги зўравонлик ўрин оладиган оилаларда катта бўлаётган ўғил болаларда тунги сийиб қўйиш (энурез) каби саломатлик муаммоси ривожланади, уни даволаш қийин кечади ва психологик, ва фармакотерапевтик ёрдамсиз ўтмайди.



Муаммоли оилада яшаётган боланинг эътиборли жихатлари

- Ташқи кўриниши (мавсумга мос кийинмаган, уст боши кир, йиртиқ, размерига мос эмас)
- Хулқ атвори (бола қорни оч ва тиламчилик қилишга мажбур, бушаган бутилкаларни сотишга топшириб юради, ахлат контейнерда емиш қидиради, ўғрилик қилади)
- Муомала ва лексикаси (ота онасидан эшитган жаргон ва ноцензур сўзларни ишлатади)
- Ҳаётий кўникмалари (мактабгача ёшдаги бола тишларини ювишни, оёқ кийим боғичини боғлашни билмайди)



Муаммоли оилада яшаётган боланинг эътиборли жихатлари (2)

- Рухий ва жисмоний саломатлик ҳолати (вазн ва бўйи ёшига нисбатан ўсишда орқада қолади, ориқлаган ва заифлашган, ва шунинг учун юраолмайди, ақлий ва руҳий ривожланишда орқада қолади)
- Болага тақвим бўйича эмлашлар қилинмай келинган
- Эмоционал ҳолати (қўрқувчан, одамови, агрессив)
- Мактабдаги ўзлаштириши ва интизоми қониқарли эмас
- Боланинг ота онасига бўлган муносабати салбий



Ғазаб ва агрессиянинг агрессор саломатлигига таъсири

- Нейропсихиатрик бузилишлар (психозлар ва депрессиялар)
- Психотик-соматик касалликлар (ошқозон-ичак тракти касалликлари, юрак-қон томир тизими, сийдик йўли тизими касалликлари)
- Жинсий функциянинг бузилиши (импотенция)
- Тез-тез намоён бўладиган ғазаб, жаҳл, тажовузкорлик ва ғазаб портлашлари, соғлом бўлмаган жинсий ҳаёт тарзи простата безининг функциясини бузилишига (ўткир ва сурункали простатит, простата аденомаси) олиб келади.
- Қотилликда жазоланган 79% аёллар, ўзларини гендер зўравонликдан ҳимоялаганлар



Гендер зўравонликка қарши Соғлиқни сақлаш соҳасининг ўрни

Аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш кўп тармоқли ёндашувга асосланиши лозим бўлса-да, соғлиқни сақлаш соҳаси муҳим ўрин тутди. Соғлиқни сақлаш сектори қуйидагиларни бажариши мумкин:

- аёлларга нисбатан зўравонликнинг қабул қилинмаслигига ва бундай зўравонликни жамоат саломатлиги муаммоси сифатида ҳал қилиш зарурлигига ишонч ҳосил қилиш учун ахборот-ташвиқот ва огоҳликни ошириш тадбирларини ўтказиш;



Соғлиқни сақлаш соҳасининг ўрни (2)

- зўравонликдан жабрланганлар учун кенг қамровли хизматларни тақдим этиш,
- зўравонликдан омон қолганлар эҳтиёжларига ҳар томонлама ва сезгир жавоб бериш, уларга ҳамдardлик кўрсатиш ва уларни муҳокама қилмаслик учун тиббий-санитар хизмат кўрсатувчиларнинг хабардорлигини ошириш ва ўргатиш;
- зўравонликка дучор бўлиши мумкин бўлган аёллар ва болаларни эрта аниқлаш, тегишли хизматларга мурожаат қилиш ва уларни зарур қўллаб-қувватлаш орқали зўравонликнинг такрорланишини олдини олиш;



Соғлиқни сақлаш соҳасининг ўрни (3)

- ёшлар учун жинсий таълим дастурлари доирасида ва ҳаёт учун муҳим кўникмаларини ривожлантириш жараёнида тенглик тамойилига асосланган гендер меъёрларини тарғиб қилиш;
- ишнинг самарали усуллари ҳақида далилларга асосланган маълумотларни тўплаш,
- шунингдек аҳоли ўртасида сўровномаларни ташкил қилиш ёки аёлларга нисбатан зўравонлик мавзусини умум аҳоли демографик тадқиқотлари ва тиббий-санитария тадқиқотлари, ҳамда эпидемиологик назорат ва тиббий - санитария ахборотига киритиш



Хулосалар (1):

- Гендер зўравонлик инсонни нафақат қарамлик ҳолатига қўяди, балки жамиятга ҳам катта маънавий зарар етказди, тенгсизликка қарши ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш йўлига улкан тўсиқ яратади.
- Гендер зўравонлик – бу инсон ҳуқуқларининг қўпол бузилишидир. Бундай ҳолат - Гендер дискриминациясининг энг ёмон кўринишларидан бири бўлиб, гендер тенгликка эришишдаги жиддий тўсиқ ҳисобланади.



Хулосалар (2):

- Гендер зўравонлик ҳолатлари аёл ва унинг фарзандларида , ҳамда агрессорнинг ўзида ҳам барча орган ва тизимларида функционал бузилишларга олиб келади.
- Руҳий ва асаб тизимининг бузилиши, бош миёдаги зўриқишлар бориб бориб онкологик касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади.
- Охир оқибатда оғир руҳий патологияларга ҳам олиб келиши мумкин.
- Шунинг учун тиббиёт ходимлари барча мутассади идоралар билан ҳамкорликда фаолият юритиб бу каби иллатларни олдини олишлари аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишдаги вазифаларидан биридир.



Эътиборингиз учун раҳмат!

